

Дунё ҳам худди шундай...



07:10 / 26.02.2019 3093

Абу Мусо Имрон ибн Мусо Турсусийдан ривоят қилинади: «Фатҳ Мусилий икки ёш бола олдидан ўтиб қолди. Бирининг қўлида асал суртилган нон, бирида эса тузламали нон бурдаси бор эди. Тузламали нонни ушлаган олдадаги болага: «Нонингдан бор», деди. У бўлса: «Агар менинг итим бўлсанг, бераман», деди. У рози бўлди. Кейин унга асалли нонидан берди ва бўйнига арқон солиб судради. Фатҳ Мусилий: «Агар ўз нонингга рози бўлганингда, бунга ит бўлмасдинг», деди. Абу Мусо шундай деди: «Дунё ҳам худди шундай».

Изоҳ: Баъзилар арзимаган дунёга эришаман деб, бўйнига арқон солинишига рози бўлади. Ваҳоланки, ато қилинган ризқига қаноат қилишса, азиз бўладилар, бировнинг олдада хор бўлмайдилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан